

# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

**1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган** ● WWW.XS.UZ ● E-mail: Info@xs.uz ● **2015 йил 26 май, № 104 (6287)** **Сешанба**

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.


# УЛКАН МАҚСАДЛАР, ЭЗГУ ИНТИЛИШЛАР

*2014/2015 ўқув йилида умумтаълим мактабларининг 9-синфини битираётган 483 минг нафар ўқувчи узлуксиз таълимнинг кейинги босқичига тўлиқ қамраб олиниб, академик лицей ва касб-ҳунар коллежларида таҳсилни давом эттиради.*



## «ХАЙР, МАКТАБ, САЛОМ, КОЛЛЕЖ!»

Юрт келажаги маънан ва жисмонан етук, интеллектуал салоҳиятли навқирон авлод тақдирига бевосита боғлиқдир. Шу боис ҳам мамлакатимизда таълим-тарбия соҳаси ривожига катта эътибор қаратилиб, ёшларнинг замонавий асосда пухта билим олиши, истеъдодини кенг миқёсда намоён этиши учун беқиёс имкониятлар яратилмоқда. Хусусан, ўтган вақт давомида республикамизда кадрлар тайёрлаш тизими тубдан ислоҳ этилди. “Таълим тўғрисида”ги Қонун, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ва Мактаб таълимини ривожлантириш давлат умуммиллий дастури ўқитиш сифати ҳамда самарадорлигини оширишда мустаҳкам пойдеворга айланди. Жойларда муҳташам кўриниш, қулай шарт-шароитга эга бўлган таълим масканлари бунёд этилиб, уларни малакали ўқитувчи ва мураббийлар билан таъминлаш борасида ҳаётга татбиқ қилинаётган хайрли ишлар ўқувчи-ёшларимизнинг чинакам маънода қатъиятли, шижоатли авлод бўлиб камолга етишларида муҳим аҳамият касб этмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигидан олинган маълумотларга қараганда, жорий йилда 483 минг нафар ўғил-қиз таълимнинг навбатдаги босқичига йўлланма олаётир. Жумладан, 9-синф битирувчилари ўртасида ўтказилган сўровнома натижаларига кўра, ўқувчиларнинг 42 минг нафари академик лицейларда, 441 минг нафари эса касб-ҳунар коллежларида таҳсил олиш мақсадида эканлигини билдиришган. Умумтаълим мактаблари, мусиқа, санъат ҳамда спортга ихтисослаштирилган махсус мактаб-интернатларда сабоқ олган бу ёшларнинг қай бири билан суҳбатлашманг, улар қалбида эзгу истак ва умидлар кенг қулоч ёйётганига амин бўласиз.

(Давоми 2-бетда).

## БИЗ ВА ЖАҲОН

Бангкок шаҳрида ташкил этилган семинарда Ўзбекистоннинг сармоявий имкониятлари ҳамда мамлакатимизда бизнес юритишнинг шарт-шароитлари хусусида сўз борди.

### «Ўзбекистонда тадбиркорликни йўлга қўйиш ва уни ривожлантириш учун барча шароит мавжуд»

Таиланд Қироллигининг Сармоялар бўйича Кенгаши ва Ўзбекистон Республикасининг Бангкокдаги Бош консуллиги ҳамкорлигида уюштирилган мазкур тадбирда Таиланднинг вазирлик ҳамда идоралари, турли маҳаллий компаниялар раҳбарлари ва ходимлари, оммавий ахборот воситалари, эксперт-таҳлил доиралари вакиллари қатнашди.

Учрашувда **Таиланд Сармоялар бўйича Кенгаши бош котибининг ўринбосари Чокеди Каевсанг** Ўзбекистон Республикаси улкан сармоявий салоҳиятга эга эканлигини алоҳида қайд этди.

— Мамлакатда бизнесни йўлга қўйиш ва уни ривожлантириш учун барча шароит мавжуд, — деди у. — Ўзбекистон Республикаси ҳудудида фаолият кўрсатадиган хорижлик сармоядорларнинг ҳуқуқлари давлат томонидан ҳимоя қилинади ҳамда кафолатланади. Мабодо Ўзбекистоннинг бу борадаги кейинги қонунчилиги сармоялаш шартини қийинлаштиргудек бўлса, хорижлик сармоядорлар учун 10 йил мобайнида сармоя киритилган вақтдаги қонунчиликнинг шартлари татбиқ этилади. Бундай ҳолатда хорижлик сармоядор хабардор қилиш тартиби билан ўз хоҳишига кўра, янги қонунчиликнинг сармоялаш шароитларига яхши таъсир кўрсатадиган у ёки бу қоидасини ўзига қабул қилиши мумкин. Кейинги йилларда Ўзбекистонда ҳам юридик, ҳам жисмоний шахслар учун солиқ юкини сезиларли даражада пасайтириш тамойили кузатилмоқда. Қолаверса, “Навоий” эркин индустриал-иқтисодий зонаси ва “Жиззах” ҳамда “Ангрен” махсус индустриал зоналарида ишлаб чиқариш фаолиятини олиб борадиган корхоналар учун қулай солиқ имтиёзлари яратилган.

Семинар доирасида мустақиллик йилларида мамлакатимизда қўлга киритилган кенг кўламли муваффақиятлар ҳақидаги ҳужжатли фильм намойиш қилинди.

**«Жаҳон» АА.**
Бангкок

## ҚОНУН КУЧГА КИРДИ

*Янги таҳрирдаги “Электрон тижорат тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисида белгилаб берилган вазифалар ижроси доирасида ишлаб чиқилди.*

### Замонавий қулайликлар ва янги имкониятлар

Мамлакатимизда янги таҳрирдаги “Электрон тижорат тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни кучга кирди.

Унинг ҳаётга татбиқ этилиши ахборот соҳасига оид миллий қонунчиликни такомиллаштириш йўлидаги навбатдаги қадам бўлиб, бизнес тузилмалар фаолияти самарадорлигини ошириш учун янги имкониятлар очади, фуқароларимизнинг турли маҳсулот ва хизматларга бўлган эҳтиёжларини янада тўлиқ қондириш учун шароитлар яратади, Қонун нормаларининг бугунги кун талабларига уйғунлигини таъминлайди.

Қонун давлат бошқарувининг турли бўғинлари, фуқаролик жамияти институтларида кенг ва батафсил муҳокамалардан ўтказилди. Янги таҳрирдаги қонун лойиҳасини кўриб чиқишда сиёсий партиялар ҳам фаол қатнашди. Бу эса ушбу ҳуқуқий ҳужжатда жамиятимизда мавжуд сиёсий қарашларнинг кенг кўламини қамраб олишга хизмат қилди.

Янги таҳрирдаги “Электрон тижорат тўғрисида”ги Қонуннинг амалиётга жорий этилиши иқтисодиётимизнинг инновацион даражасини юксалтириш, тадбиркорликни янада равнақ топтириш ва ишбилармонлик муҳитини яхшилаш, шунингдек, халқаро стандартларга уйғун технологик бозор инфратузилмасини ташкил қилиш учун янги қулайликлар тақдим этади. Буни қуйида билдирилган фикрлар ҳам яққол тасдиқлаб турибди.

**Илҳом АБДУЛЛАЕВ, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитаси раиси:**

— Қонун нормаларида электрон тижорат соҳасини тартибга солувчи халқаро ҳужжатлар, жумладан, БМТнинг бу борадаги намунавий қонунидаги барча замонавий мезонлар ва талаблар ҳисобга олинган.

Қонуннинг долзарблиги ҳамда замон талаби эканлигини исботловчи муҳим жиҳати шундаки, у мамлакатимизда демократик бозор ислоҳотларини янада чуқурлаштириш ва иқтисодиётни либераллаштиришнинг бугунги босқичи воқеликлари ҳамда эҳтиёжлари, тараққиётнинг “ўзбек модели” назарий ва амалий тамойилларига ҳамоҳангдир.

(Давоми 2-бетда).

## ХАЛҚАРО КОНФЕРЕНЦИЯ

# САМАРАЛИ ПАРЛАМЕНТ НАЗОРАТИ – ТАРАҚҚИЁТНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ

Тошкентда “Парламент назоратини амалга оширишга доир ташкилий-ҳуқуқий механизмларни такомиллаштиришнинг долзарб масалалари: Ўзбекистон ва хорижий мамлакатлар тажрибаси” мавзуида халқаро конференция бўлиб ўтди.

Тадбир Олий Мажлис палаталари, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти, Стратегик ва минтақалараро тадқиқотлар институти ҳамда Давлат бошқаруви академияси томонидан К. Аденауэр номидаги жамғарма (ГФР), ЕХҲТнинг Ўзбекистондаги лойиҳалари мувофиқлаштирувчиси, БМТ Тараққиёт дастури, Миллий демократик институт (АҚШ), Шанхай ижтимоий фанлар академияси (Хитой), Нагоя университети (Япония) ва Инха университети (Корея Республикаси) билан ҳамкорликда ташкил этилди.

Таъкидланганидек, мамлакатимизда ҳуқуқий демократик давлат барпо қилиш, очиқ фуқаролик жамиятини шакллантиришга йўналтирилган кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Хусусан, ҳокимиятлар бўлиниши конституциявий принципи асосида парламентнинг жамият ҳаётидаги ролини ошириш, унинг фаолиятини такомиллаштириш, ижро этувчи ҳокимият устидан парламент назоратининг самарадорлигини кучайтиришга қаратилган демократик ўзгаришлар рўёбга чиқарилаяпти. Бугунги кунда 20 дан ортиқ қонунлар юртимизда парламент назоратини изчил амалга ошириш учун ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилмоқда.

Давлатимиз раҳбари томонидан илгари сурилган Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси ижро этувчи ҳокимият фаолияти устидан парламент назоратини янада кучайтиришда муҳим аҳамият касб этди. Бинобарин, унга биноан, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди. Чунончи, парламентга мамлакат ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг долзарб масалалари юзасидан Бош вазирнинг ҳисоботларини эшитиш ҳуқуқи берилди. Бу саъй-ҳаракатлар пировардида парламент, депутатлар назорати ҳуқуқидан фойдаланган ҳолда ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурларини рўёбга чиқариш самарадорлигини оширишга, аҳолининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини янада тўлиқроқ таъминлашга, жойларда муаммоларни оқилона ҳал этишга кўмаклашмоқда.

Президентимиз Олий Мажлис палаталарининг шу йил 23 январда бўлиб ўтган қўшма мажлисидаги маърузасида белгилаб берганидек, конституциявий ислоҳотлар нуқтаи назаридан, Олий Мажлис палаталари ва энг аввало, фракцияларнинг давлат бошқаруви органлари фаолияти устидан парламент назоратини амалга ошириш, қабул қилинаётган қонунлар, муҳим ижтимоий-сиёсий, иқтисодий давлат дастурларининг ижросини сўзсиз таъминлаш борасидаги фаолияти сифат жиҳатидан янги асосда қурилиши лозим.

(Давоми 2-бетда).

## ИШБИЛАРМОНЛИК МУҲИТИ

*Юртимизда ишбилармонлик муҳитини янада яхшилаш, айниқса, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш борасида амалга оширилаётган ишлар биз, тадбиркорларнинг кўнглини кўтариб, эртанги кунга бўлган ишончимизни тобора мустаҳкамламоқда.*

### Ватан равнақига муносиб ҳисса қўшамиз

Президентимизнинг жорий йил 15 майдаги “Хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони эса беқиёс ғамхўрлик ва эътиборнинг яна бир ёрқин намунаси бўлди, десак, айни ҳақиқатни айтган бўламиз. Чунки мазкур Фармон хусусий тадбиркорликнинг иқтисодиётдаги роли ва ўрнини тубдан ошириш баробарида, ишбилармонлар дуч келаётган тўсиқ ҳамда чекловларни тугатиш, уларнинг эмин-эркин фаолият юритиши учун шарт-шароитлар яратиб берадиган дастуриламал ҳужжатдир.

(Давоми 2-бетда).

# 2015 йил – КЕКСАЛАРНИ ЭЪЗОЗЛАШ ЙИЛИ

*Миллий матбуот марказида Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши томонидан “Кексаларни эъзозлаш йили” Давлат дастури ижросига бағишланган матбуот анжумани ўтказилди.*

### Дастур ижроси ва масъулият

Таъкидланганидек, Дастурда белгилаб берилган устувор вазифалардан келиб чиққан ҳолда, юртимизда ёши улуғ инсонларга эътибор ва ғамхўрликни кучайтириш, ижтимоий қўллаб-қувватлаш ишларини изчил давом эттириш, бу борадаги саъй-ҳаракатлар самарадорлигини кучайтиришга қаратилган кенг қамровли тадбирлар амалга оширилаётир. Бунда давлат ва жамоат ташкилотлари қаторида, Касаба уюшмалари Федерациясининг ҳам салмоқли ҳиссаси бор.

Мазкур йўналишдаги норматив-ҳуқуқий базани янада такомиллаштириш учун Федерация томонидан тегишли таклифлар берилаяпти. Айни чоғда аҳолининг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш юзасидан зарур чора-тадбирлар кўрилмоқда. Шу мақсадда жойларда турли семинарлар, давра суҳбатлари ва учрашувлар ташкил этилаётир. Касаба уюшмалари “Ишонч телефонлари” орқали кекса ёшдаги фуқароларга бепул ҳуқуқий маслаҳатлар бериш ҳам йўлга қўйилган.

Кексаларни, энг аввало, 1941 — 1945 йиллардаги уруш ҳамда меҳнат фронти фахрийларини қўллаб-қувватлаш, ёлғиз қария ва ногиронларга кўрсатиладиган ижтимоий ҳамда маиший хизматлар кўламини кенгайтириш борасида ҳам касаба уюшмалари томонидан тизимли ишлар рўёбга чиқарилмоқда.

(Давоми 2-бетда).

## АНЖУМАН

# Оммавий ахборот воситалари

давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги ҳамда ошкоралигини таъминлашда алоҳида аҳамият касб этади

Фуқароларни ижтимоий-сиёсий, социал-иқтисодий соҳаларда амалга оширилаётган ислоҳотлар тўғрисида хабардор қилиб бориш, бошқача айтганда, уларнинг ахборот соҳасидаги ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш юртимизда кучли фуқаролик жамияти барпо этишнинг муҳим шарти ҳисобланади.

Бинобарин, мамлакатимизда мустақилликнинг дастлабки йиллариданоқ ушбу мақсадларга устувор аҳамият қаратилиб, бу борада комплекс чора-тадбирлар изчил ва тизимли рўёбга чиқарилмоқда. Аввало, оммавий ахборот воситалари ривожини таъминлайдиган, демократик талаб ҳамда стандартларга тўла мос келадиган мустаҳкам қонунчилик базаси шакллантирилди. Бу, ўз навбатида, ОАВнинг ҳаётимизда амалга оширилаётган чуқур ижтимоий-сиёсий ислоҳотларда, демократик янгиланишларда, энг муҳими, одамлар тафаккури ҳамда онгини юксалтиришда фаол иштирок этишига зарур шароит яратмоқда.

Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясига мувофиқ, 2014 йилда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг “Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида”ги Қонуни мазкур йўналишдаги ишларнинг мантиқий давоми бўлиб, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлигини таъминлашнинг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлади. Зеро, унда давлат ҳамда жамият ишларини бошқариш жараёнига фуқаролик институтларини кенг жалб қилиш орқали давлат органлари фаолиятининг очиқлик ва самарадорлик даражасини ошириш, бунда оммавий ахборот воситаларининг кенг иштирокини таъминлаш чоралари кўзда тутилгани ижобий натижаларни бераяпти.

(Давоми 2-бетда).

# САМАРАЛИ ПАРЛАМЕНТ НАЗОРАТИ — ТАРАҚҚИЁТНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Шулар хусусида атрофлича сўз юритилган халқаро конференцияда бу борадаги хорижий тажрибани ўрганиш, парламент назорати, уни амалга ошириш шакл ва механизмлари батафсил муҳокама қилинди, шунингдек, хорижлик экспертларга юртимизда парламент ва сиёсий партияларнинг давлат ҳамда жамият қурилишидаги роли кучайиб бораётганлиги ҳақида маълумот берилди.

Анжуманда халқаро ва чет эллик экспертларнинг ижтимоий-сиёсий масалаларни ҳал қилишда парламент назоратининг ўрни, сиёсий партиялар фракцияларининг парламент назорати самарадорлигини оширишдаги роли, қонун ҳужжатлари самарадорлигини баҳолашда парламент назоратининг аҳамияти, парламентнинг ушбу йўналишда оммавий ахборот воситалари билан ўзаро ҳамкорлиги каби мавзуларда маърузалари тингланди.

Иштирокчилар парламент назорати Олий Мажлиснинг энг муҳим вазифаларидан бири сифатида ҳокимиятнинг турли тармоқлари ўртасида ўзаро тийиб туриш ва манфаатлар мувозанатини таъминлаш тизимининг самарали механизми эканлигини таъкидлашди.

Тадбирда Ўзбекистонда парламент назоратини амалга оширишнинг қонунчилик асосларини янада такомиллаштириш масалалари ҳам муҳокама этилди. Шундан келиб чиққан ҳолда, парламент назоратига доир миллий ва хорижий тажриба чуқур таҳлил қилинди.

Анжуманда сўз олган парламент аъзолари бугун давлат ҳокимияти вакиллик органлари олдида парламент назорати фаолиятини янада кучайтириш вазифаси турганлигини қайд этишди. Хусусан, хорижий мамлакатлар парламентлари тажрибаси асосида миллий қонунчилигимизда парламент назоратининг бошқа самарали шаклларини кенгайтириш мақсадга мувофиқ. Бу нафақат парламент, сиёсий партиялар фракциялари ролини, балки ҳукумат, ижро этувчи ҳокимият органлари ҳамда мансабдор шахсларнинг масъулиятини ҳам оширади.

Конференцияда бугунги кунда ишлаб чиқилаётган "Парламент назорати тўғрисида"ги қонун лойиҳаси Олий Мажлис палаталари назорат фаолияти самарадорлигини янада юксалтиришга қаратилгани билан аҳамиятли эканлиги айтиб ўтилди.

Халқаро конференцияда парламент назорати тадбирларини ёритишда Олий Мажлиснинг оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорлигига оид масалалар ҳам кўриб чиқилди. Ўзбекистонда парламент журналистикаси тобора ривожланиб, Олий Мажлис палаталари назорат-таҳлил фаолияти кенг ёритилаётганига эътибор қаратилди.

Тадбирда амалий фикр-мулоҳаза алмашилди ҳамда тегишли тавсиялар ишлаб чиқилди.

**Қобил ХИДИРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## СЎЗ — ХАЛҚАРО КОНФЕРЕНЦИЯ ИШТИРОКЧИЛАРИГА

**Маттиас РЁССЛЕР, Саксония федерал ери парламенти раиси (Германия):**

— Конференцияда биз парламент назорати ва унинг амалга оширилиш механизмларини муҳокама қилдик ҳамда ушбу соҳага оид тажрибалар билан ўртоқлашдик. Бу борада Ўзбекистон парламентининг ҳуқуқий ҳамда институционал асосларни мустаҳкамлаш ҳисобига салмоқли муваффақиятларга эришганини таъкидлаш зарур. Ҳукуматнинг мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш вазифаларини ҳаётга татбиқ этишдаги масъулияти ошган. Эътиборли жиҳати шундаки, Ўзбекистонда парламент назоратини янги поғонага кўтариш имконини берадиган махсус қонун лойиҳаси ишлаб чиқилмоқда.

**СУН Дон Ги, Инха университети профессори (Корея Республикаси):**

— Ўзбекистон қисқа давр мобайнида парламент назорати соҳасида катта натижаларга эришгани диққатга сазовордир. Парламент ваколатларининг босқичма-босқич кенгайтириб борилаётгани юртингизда демократик қадриятларнинг ривожланишига ижобий таъсир кўрсатмоқда. Ўйлайманки, мазкур халқаро конференция барча иштирокчилар учун самарали бўлди. Чунки бу мамлакатларимиз қонунчилигини янада такомиллаштиришга ва унинг ижроси самарадорлигини оширишга хизмат қиладиган тавсиялар ишлаб чиқиш имконини берди.

**Кубаяма РИКИЯ, Нагоя университети ҳуқуқ профессори (Япония):**

— Ўзбекистоннинг парламент назоратига оид тажрибасини ўрганиб, депутатлар, сиёсий партиялар фракцияларининг ўз сайловчилари манфаатларини ҳимоя қилишдаги унумли фаолиятини алоҳида таъкидлашни истардим. Хусусан, Ўзбекистонда Бош вазир лавозимига номзодни муҳокама қилиш ва тасдиқлаш жараёнида парламент назорати, шунингдек, ҳудудлар раҳбарларининг маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органлари олдидаги ҳисобдорлиги мустаҳкамлангани сиёсий партияларнинг мамлакатни ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий ривожлантиришнинг муайян устуворликларини белгилашдаги ролини кучайтирди.



# УЛКАН МАҚСАДЛАР, ЭЗГУ ИНТИЛИШЛАР

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Навбатдаги ўқув йили якунланиши муносабати билан 25 май куни Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳридаги таълим масканларида "Замонавий билимлар билан замонавий касб-ҳунарга эга бўламиз" шиори остида бўлиб ўтган "Хайр, мактаб, салом, коллеж!" тадбирларида ҳам ана шу жиҳатлар ҳақида сўз юритилиб, таълимдаги ислоҳотлар самараси алоҳида эътироф этилди. Жумладан, пойтахтимизнинг Миробод туманидаги 60-умумий ўрта таълим мактабида ҳам эрта тонгдан ўқувчилар, ота-оналар, маҳалла фаоллари, устозлар, таълим фидойилари ва маънавият тарғиботчилари жам бўлди.

Тадбирда сўзга чиққанлар истиқлол йилларида одамларимизнинг онгу шуури тубдан ўзгариб, шу азиз Ватан меники, унинг бугунги ва эртанги куни учун мен масъулман, деган дахлдорлик туйғуси тобора кучайиб бораётганлиги ва бунда таълим муассасалари, хусусан, мактабларнинг ҳам ўрни беқиёс эканлигини таъкидлашди.

"Хайр, мактаб, салом, коллеж!" тадбири давомида Президентимизнинг 9 май — Хотира ва Қадрлаш куни муносабати билан ўтказилган маросимда билдирган фикрларини ўқувчи-ёшларга етказиш, чунончи, улар онгида Ватанга муҳаббат ва садоқат, кексаларга ҳурмат кўрсатиш, тинчлик ва осойишталикни қадрлаш каби туйғуларни кучайтириш ҳамда "Биз кеча ким эдигу бугун ким бўлдик?" деган саволнинг мазмун-моҳиятини тушунтиришга алоҳида эътибор қаратилди.

Шу куни энг фаол ва аълочи ўқувчиларга етуклик шаҳодатномаси билан бирга, фахрий ёрлиқлар топширилди. Шунингдек, "Энг ибратли ўқувчи", "Энг фаол ўқувчи", "Ижодкор ўқувчи", "Ёш ихтирочи", "Мактабимиз фахри", "Спорт устаси", "Компьютер устаси", "Энг ораста қиз" каби номинациялар бўйича иқтидорли ва намунали ўқувчилар ҳам рағбатлантирилди.

— Жонажон мактабимизда олган сабоқларимиз, устозларимиз ўгити бизни келажакда ютуқ ҳамда марраларга, янги чўққиларга ундаши, шубҳасиз, — дейди битирувчи Эъзоза Нажимова — Аслида ҳам биз, ёшлар бугунги беқиёс имкониятларга жавобан, катта муваффақиятларни қўлга киритиш учун астойдил ҳаракат қилишимиз, ўқиб-изланишимиз лозим. Зотан, Президентимизнинг юксак ишончига муносиб бўлиш, юртнинг эртанги тақдирига дахлдорлик ҳисси билан яшаш фарзандлик бурчимиздир.

Тадбир ниҳоясига етгач, барча мактаб битирувчилари ўз қизиқиши бўйича танлаган академик лицей ва касб-ҳунар коллежига ота-оналари билан бирга ташриф буюриб, у ердаги шарт-шароитлар билан яқиндан танишдилар.

"Замонавий билимлар билан замонавий касб-ҳунарга эга бўламиз" шиори остидаги тадбирлар республикамиздаги барча умумтаълим мактабида кўтаринки руҳда ўтказилди.

**Омонулла ФАЙЗИЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

Ҳасан ПАЙДОЕВ ва Азамат ЗАРИПОВ олган суратлар.

# Ватан равнақига муносиб ҳисса қўшамиз

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Шу боис бизнес билан шуғулланаётган юртдошларимиз борки, уни бандма-банд ўқиб, обдан мағзини чақмоқда.

Фармонга мувофиқ, хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ишончли ҳимоясини таъминлаш, уларнинг жадал ривожланиши йўлидаги тўсиқларни бартараф этишнинг ўттиз учта аниқ чора-тадбирни кўзда тутувчи комплекс чора-тадбирлар Дастури тасдиқлангани айни дилимиздаги гап бўлди. Энг муҳими, ўз ичида тўртта асосий йўналишни қамраб олган ушбу дастурда қайд этилган ишларнинг деярли барчаси шу йилнинг ўзида амалга оширилиши диққатга сазовор.

Бундан ташқари, Фармонда тадбиркорларга "бир дарча" тамойили асосида кўрсатилаётган хизматларни янада такомиллаштириш белгилаб қўйилганини айтмайсизми?!

Тадбиркорларга яратиб берилаётган бундай кенг имкониятлардан биз ҳам руҳланиб, олдимизга қўйган мақсадларимизга бирин-кетин эришиб келаяпмиз. Масалан, ўтган йили 117 минг АҚШ долларилик хориж технологияси асосида нон ва қандолатчилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш цехини ишга туширган бўлсак, 400 миллион сўм миқдоридаги маблағ эвазига замонавий хизмат кўрсатиш мажмуасини қуриб, фойдаланишга топширдик.

Бугунги кунда 70 нафарга яқин йигит-қиз меҳнат қилаётган жамиятимизда модернизация ишларини изчил давом эттираяпмиз. Сабаби, келгусидаги режаларимиз кўп. Уларни рўёбга чиқаришимизда давлатимиз раҳбарининг ушбу Фармони ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилиши муқаррардир.

**Акмал МАНСУРОВ,**
**Зарафшон шаҳридаги «Зарафшон Караван» масъулияти чекланган жамияти раҳбари.**

# Замонавий қулайликлар ва янги имкониятлар

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Қонун қабул қилиниши ушбу ҳужжатнинг мазмун-моҳияти ҳамда аҳамиятини ижрочиларгача етказиш, зарур қонуности ҳужжатларини тўлиқ ва ўз вақтида қабул қилиш, ҳуқуқни қўллаш амалиётида уни баҳолаш ҳамда таҳлил этиш бўйича парламент ҳамда ҳукуматнинг ҳамкорликдаги фаолиятини бошлаб беради. Бу, айниқса, Юртбошимиз томонидан Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисида белгилаб берилган устувор вазифаларни амалга оширишда айни муддаодир.

**Олимжон УМАРОВ, Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги бошқарма бошлиғи:**

— Янги таҳрирдаги Қонун телекоммуникация тармоқлари тараққиётини ўз ичига олган электрон тижоратнинг технологик инфратузилмасини кенгайтириш, соҳада хўжалик субъектлари сони кўпайиши учун шароит яратади. Бу, биринчи навбатда, электрон тижоратда электрон ҳужжатлар ва электрон хабарлар айланиши билан боғлиқ хизматлар кўрсатишга ихтисослаштирилган ахборот воситачиларига тааллуқлидир. Қонунда кўрсатиб ўтилганидек, телекоммуникация тармоқлари операторлари ва провайдерлари, банклар, электрон ярмаркалар, кимошди савдолари ҳамда танловлар ташкил этилишини амалга оширувчи, электрон ҳужжатлар ва электрон хабарларни сақлаш бўйича хизматлар кўрсатувчи юридик шахслар жумласини ўз ичига олган ахборот воситачилари фаолияти иқтисодиётда янги, юқори технологияли иш ўринлари барпо этиш, миллий ахборот-коммуникация тизимини янада тараққий топтиришга хизмат қилади.

**Илҳомжон ҒАФФОРОВ, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бўлим бошлиғи:**

— Янги таҳрирдаги "Электрон тижорат тўғрисида"ги Қонуннинг амалиётда самарали қўлланилиши электрон тўловларни амалга ошириш воситаларини фаол ривожлантиришни назарда тутади. Бугунги кунда юртимизда юридик ва жисмоний шахслар электрон тижорат тизимида харид қилинган маҳсулот ҳамда хизматлар учун тўловларни амалга оширувчи банк хизматларидан кенг фойдаланмоқдалар. Замонавий тўлов воситалари уларга илғор АКТни қўллаган ҳолда, янада қулай банк хизматларидан масофадан туриб фойдаланиш имконини беради.

Мамлакатимизда электрон тижорат равнақи банк-молия сектори ва умуман, миллий иқтисодиётимизнинг янада ривожланишида салмоқли ўрин эгаллайди.

**Адҳам АМИНОВ, электрон тижорат соҳасига ихтисослаштирилган компания — "National Engineering Technologies" МЧЖнинг ахборот технологиялари бўйича директори:**

— Янги таҳрирдаги Қонуннинг қабул қилиниши Ўзбекистон тадбиркорлик субъектларининг дунё бозорида самарали иштирок этиши, миллий маҳсулот ва хизматларнинг янги бозорларга чиқиши учун кенг имкониятлар яратади. Интернет-дўконлар воситасида уюштирилган олди-сотдилар тижорат компанияларига савдо бозорларини янада кенгайтириш, ўзаро қайта алоқа технологияларидан фойдаланган ҳолда харидорлар эҳтиёжларини яқиндан ўрганиш, турли қўшимча харажатларни қисқартириш, таклиф қилинаётган маҳсулотлар ҳамда хизматлар таннархини камайтиришда катта ўрин тутади.

Бу борада истеъмолчилар ҳам қатор афзалликларга эга бўладилар. Сабаби, электрон тижорат шароитида уларда глобал миқёсда маҳсулот ҳамда хизматлар тақдим этувчилар рўйхатидан ўзига маъқулини танлаш, бошқа фойдаланувчилар билан таклифларни солиштириш ва ахборот алмашиш, қулай пайт ҳамда шаклда буюртма бериш имконияти кенгаяди.

**Саиджон МАХСУМОВ**
**ёзиб олди.**

# Оммавий ахборот воситалари

## давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги ҳамда ошкоралигини таъминлашда алоҳида аҳамият касб этади

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Шунингдек, Қонун нормаларининг жойларда изчил ижро этилаётгани аҳолининг ҳамда жамоат бирлашмаларининг давлат ҳокимияти органлари томонидан қабул қилинаётган қарорлар, авваламбор, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, қонуний манфаатлари билан боғлиқ қарорлари ҳақидаги ахборотлардан кенг хабардор бўлишини таъминламоқда.

Тизимда эришилаётган ютуқлар кўп. Бироқ бугунги давр, қолаверса, соҳа фаолияти таҳлили мазкур жараённи янада такомиллаштириш, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини таъминлашда ОАВ ролини кучайтириш, шунингдек, давлат ва жамоат бирлашмалари, нодавлат нотижорат ташкилотларининг ахборот хизматлари фаолиятини фаоллаштиришни тақозо этмоқда. Чунончи, ўтган йили Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, йирик хўжалик юритувчи субъектлар ахборот хизматлари фаолияти ўрганилганида, айрим матбуот хизматлари раҳбарлари касбий малакага эга эмаслиги, ОАВ билан ўзаро ҳамкорлик алоқалари етарлича ўрнатилмагани маълум бўлди.

Миллий матбуот марказида "Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини олиб боришда ОАВнинг роли" мавзуида ўтказилган анжуманда ана шулар хусусида атрофлича сўз юритилиб, бу борадаги саъй-ҳаракатлар кўламини янада кенгайтириш, хусусан, ахборот хизматлари самарадорлигини оширишда мунтазам матбуот анжуманлари, брифинглар ўтказиш, ОАВда танқидий-таҳлилий мақола ва шарҳларни жойлаштириш, АКТдан кенг фойдаланиш мақсадга мувофиқлиги таъкидланди.

Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси ҳамда Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти билан ҳамкорликда ташкил этилган мазкур тадбирда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, Матбуот ва ахборот агентлиги вакиллари, ОАВ, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг ахборот хизматлари раҳбарлари, журналист кадрлар тайёрловчи олий ўқув юртлари профессор-ўқитувчилари ва талабалари қатнашди.

**Зиёда АШУРОВА.**

# Дастур ижроси ва масъулият

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Хусусан, 9 май — Хотира ва Қадрлаш куни байрами муносабати билан "Касаба уюшмалари — фахрийларга" акцияси эълон қилиниб, уруш қатнашчиларига пул мукофотлари топширилди. Шунингдек, 23 минг нафар ёлғиз кексага озиқ-овқат маҳсулотлари, дори-дармонлар, уй-жойини таъмирлаш, коммунал хизматларга ҳақ тўлаш шаклидаги ижтимоий кўмак кўрсатиш кўзда тутилган бўлиб, бугунгача 8 минг нафардан ортиғига жами 615 миллион сўмлик моддий ёрдамлар берилди.

Республикамиздаги Саховат ва Мурувват уйларида яшовчилар ҳолидан хабар олиниб, турли маданий-маърифий тадбирлар уюштирилди. Бунинг учун 55 миллион сўмликка яқин маблағлар сарфланди.

Тадбирда касаба уюшмалари тизимидаги санаторийларда уруш ва меҳнат фронти фахрийларини давлат бюджети ҳисобидан сифатли ҳамда самарали соғломлаштириш учун барча зарур шарт-шароитлар ва қўшимча қулайликлар яратилгани ҳам қайд этилди. Хусусан, тизимдаги 15 та санаторийда қарийб 11 миллиард сўмлик қурилиш, реконструкция ва капитал таъмирлаш юмушлари бажарилди, барчасида уруш ва меҳнат фронти фахрийлари бўлимлари очилди. Жорий йилнинг 15 май ҳолатига кўра, санаторийларда 2 минг 33 нафар уруш ва меҳнат фронти фахрийси соғломлаштирилди.

Анжуманда 420 нафар кекса ҳамда жисмоний имконияти чекланган кишиларни 300 миллион сўмлик ёрдамчи ва техник реабилитация воситалари, жумладан, ногиронлик аравачалари билан бепул таъминлаш ишлари уюшқоқлик билан олиб борилаётгани айтиб ўтилди.

Нуронийларни маданий дам олдириш ишлари ҳам изчиллик билан давом эттирилмоқда. Масалан, Наврўз ҳамда Хотира ва Қадрлаш куни умумхалқ байрамлари арафасида 1400 нафарга яқин кексалар театр, концерт ва бошқа маданий тадбирларга жалб қилинди. Касаба уюшмалари томонидан 1000 нафар кексани республикамизнинг тарихий шаҳарлари ва диққатга сазовор жойларига саёҳатга олиб чиқиш кўзда тутилган бўлиб, ҳозирги кунгача 935 нафар отахон ва онахон Бухоро, Самарқанд, Хива, Қўқон, Шаҳрисабз ҳамда Тошкент шаҳарларини томоша қилишди.

Умуман, Давлат дастурида белгилаб берилган устувор вазифалар ижроси учун бугунги кунгача касаба уюшмалари томонидан 16 миллиард 300 миллион сўмдан ортиқ маблағ йўналтирилди.

Матбуот анжуманида журналистлар саволларига батафсил жавоб қайтарилди.

**Зокир ХУДОЙШУКУРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# Корпоратив бошқарув тизими

## мамлакатимизда хусусийлаштириш жараёнини янада жадаллаштириш имконини беради

Пойтахтимизда Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси томонидан Савдо-саноат палатаси билан ҳамкорликда Президентимизнинг 2015 йил 24 апрелдаги "Акциядорлик жамиятларида замонавий корпоратив бошқарув услубларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони ҳамда шу йил 28 апрелдаги "Иқтисодиётда хусусий мулкнинг улуши ва аҳамиятини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори ижросига бағишланган матбуот анжумани бўлиб ўтди.

Унда Иқтисодиёт, Молия, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирликлари, Давлат рақобат ҳамда Солиқ қўмиталари мутасаддилари, акциядорлик жамиятлари, хусусий тадбиркорлик субъектлари вакиллари қатнашди.

Таъкидлаш жоизки, давлатимиз раҳбари томонидан қабул қилинган мазкур ҳуқуқий ҳужжатлар ушбу йўналишдаги ишларни янги босқичга кўтаришга хизмат қилади. Шундан келиб чиқиб, Давлат рақобат қўмитаси томонидан хусусийлаштириш жараёнини янада чуқурлаштириш, корхоналарнинг устав капиталидаги давлат улушларини хусусий инвесторларга, биринчи навбатда, хорижий сармоядорларга сотиш, халқаро тажрибаларни чуқур

### ТАДБИР

таҳлил этиш асосида амалиётга замонавий корпоратив бошқарув усулларини татбиқ қилиш, хорижий капитал иштирокида акциядорлик жамиятларини тузишга устуворлик берилмоқда.

Фармон асосида тасдиқланган чора-тадбирлар режасига биноан, 364 та акциядорлик жамиятини янгидан ташкил этиш ва тугатиш жараёнлари устидан назорат ўрнатиш, давлат улуши бўлган акциядорлик жамиятлари рўйхатини шакллантириш учун уларнинг раҳбар ходимларини аттестациядан ўтказиш, акциядорларнинг умумий йиғилишларида уставга ўзгартириш киритиш масаласини кўриб чиқиш сингари кўплаб вазифалар белгилаб олинди.

Шу билан бирга, қарор талабларини бажариш учун давлат мулки бўлган ва бўш турган ҳамда қурилиши тугалланмаган корхоналарнинг устав фондларида мавжуд давлат улуши таҳлил қилинди. Унинг натижасига кўра, давлат ва хўжалик органлари улуши сотилиши шарт бўлган акциядорлик жамиятлари ҳамда танлов асосида "ноль" қийматида сотиладиган давлат мулки объектлари, шу жумладан, қурилиши тугалланмаган иншоотлар рўйхати тузиб чиқилди.

Тадбирда, шунингдек, тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлашга қаратилган устувор вазифалар ва уларни ҳаётга татбиқ этиш бўйича амалга оширилаётган ишлар, 2015 — 2018 йилларда акциядорлик жамиятларининг йиллик молиявий ҳисоботини чоп этиш, ташқи аудит ҳамда молиявий ҳисоботни халқаро стандартларга мослаштириш, инвесторларга берилаётган имтиёз ва кафолатларга доир маърузалар тингланди.

**Дилшод УЛУҒМУРОДОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

1 ИЮНЬ – ХАЛҚАРО БОЛАЛАРНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ КУНИ

*Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида навқирон авлоднинг камолоти йўлида ғамхўрлик ва эътибор кўрсатиш, уларнинг ижодий-интеллектуал салоҳиятини юксалтириш, ижтимоий ҳолати, миллатидан қатъи назар, барча болаларнинг эзгу орзулари ижобати йўлида кенг имкониятлар эшигини очиб бериш давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланган.*

# БЕҒУБОР ОРЗУЛАР ТАСВИРИ

Ўзбекистон Давлат санъат музейида “Sen yolg‘iz emassan” Республика жамоатчилик болалар жамғармаси томонидан 1 июнь — Халқаро болаларни ҳимоя қилиш кунига бағишлаб ташкил этилган “Менинг эзгу орзуим” мавзусидаги расмлар кўргазмасида айни жиҳатлар яна бир карра ўзининг ёрқин ифодасини топди. Кўргазмада мамлакатимизнинг турли ҳудудларидаги Меҳрибонлик уйлари тарбияланувчилари, алоҳида эҳтиёжли болалар чизган расмлар намойиш этилди.



Сарвар ЎРМОНОВ (ЎзА) олган сурат.

“Sen yolg‘iz emassan” Республика жамоатчилик болалар жамғармаси Васийлик кенгаши раиси Л. Каримова-Тиллаева мамлакатимизда болаларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоялаш, уларнинг тўлақонли таълим олиши, буюк аждодларимизга муносиб ворислар бўлиб камолга етиши масаласи давлатимизнинг доимий эътиборида эканини таъкидлади.

Ўғил-қизларнинг ҳуқуқий манфаатларини таъминлашда, уларнинг жамиятда ўз ўрнини топишига яқиндан кўмаклашишда турли вазирлик ва идоралар билан биргаликда жамоат ташкилотлари ҳам фаол ҳисса қўшмоқда. Жумладан, “Sen yolg‘iz emassan” Республика жамоатчилик болалар жамғармаси томонидан турли кўргазмалар, санъат ҳафталиклари, спорт мусобақалари, болалар форумларининг мунтазам ўтказилаётгани ўқувчи-ёшлар қобилияти ва истеъдодини тўғри йўналтириб бориш, истеъдод соҳибларини ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлаш имконини бермоқда.

“Менинг эзгу орзуим” деб номланган кўргазмада болалар ўз беғубор орзуларини оппоқ қоғозда тасвирлашга интилди. Бу ерда намойиш қилинган юздан ортиқ суратда тинчлик, осойишталик, ёруғ ва фаровон ҳаёт, табиат манзаралари, оиланинг муқаддас қўрғонлиги, мактаб билим ва тарбия маскани экани турфа бўёқларда акс эттирилган. Мазкур кўргазмадан кўзланган асосий мақсад болаларнинг орзу-интилишларини атрофлича ўрганиш, уларда ўзига бўлган ишонч ва қатъиятни мустаҳкамлашдир.

— Мен юртимиздаги кўм-кўк осмонни, яшил дарахтзорлар, майсазорларни, мактабга йўл олаётган шодон болаларни тасвирлашга ҳаракат қилдим, — дейди пойтахтимиздаги 22-Меҳрибонлик уйи тарбияланувчиси, 12 ёшли Анастасия Игнатенко. — Ўзбекистонимиз доимо тинч ва осойишта, осмони тиниқ бўлишини орзу қиламан.

Кўргазмада болалар ўзлари чизган суратларнинг мазмуни ҳақида атрофлича сўзлаб берди. Тадбир доирасида болалар иштирокида асфальтга расм чизиш бўйича ижодий танлов ҳам ўтказилди.

**Н. УСМОНОВА,**
**ЎзА мухбири.**

# Тарихий обидаларга саёҳат

*Самарқанд шаҳрида “Тарихим — фахрим!” шиори остида таълим муассасалари ўқувчиларининг ҳудуддаги тарихий қадамжоларга саёҳати уюштирилди.*



ҚАДРИЯТ

Вилоят ҳокимлиги ҳудуддаги вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссия ташаббуси билан ташкил этилган ушбу тадбирда бир гуруҳ ўқувчилар Имом Бухорий, Шоҳи Зинда, Хўжа Дониёр мажмуаларида бўлиб, мазкур обидаларнинг тарихи, бу ерда амалга оширилган таъмирлаш-ободонлаштириш ишларини кўздан кечирди.

Шунингдек, Мирзо Улуғбек расадхонасида улуғ бобомизнинг фалакиёт илми бўйича олиб борган изланишлари ҳақидаги тасаввурларини бойитишди. “Афросиёб” музейидаги ўтмишдан сўзловчи топилмалар ҳам ўқувчиларда катта таассурот қолдирди. Сўғдиёна маданият ва истироҳат боғига ташриф чоғида ўқувчилар бу ердаги эко-олам билан танишдилар.

— Ушбу тадбирдан кўзланган асосий мақсад, ёшларимиз қалбида она-Ватанга муҳаббат, миллий қадриятларимизга садоқат туйғуларини шакллантиришга қаратилган, — дейди вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссия масъул котиби М. Усмонов. — Айтиш жоизки, юртимиз, хусусан, Самарқанддаги қадимий обидалар аждодларимизнинг улкан салоҳиятидан далолат бериб турибди. Бинобарин, униб-ўсиб келаётган авлод уларга муносиб бўлмоғи керак.

**Мамадиёр ЗИЁДИНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

ИЗЛАНИШ

*Зафаробод туманидаги нон ва нон маҳсулотлари тайёрлашга ихтисослаштирилган “Омондарё тўлқини” масъулияти чекланган жамиятида кенг кўламли модернизациялаш лойиҳаси рўёбга чиқарилди.*

# Корхона қуввати ортди

Пировардида маҳсулот сифати яхшиланиши баробарида ишлаб чиқариш қуввати ҳам сезиларли даражада ортди. Бундан ташқари, ўндан зиёд қўшимча иш ўринлари яратилди.

Ҳозир корхона жамоаси ҳудуддаги савдо шохобчаларидан ташқари, 12 та мактабгача таълим муассасасини ҳам нон ва макарон маҳсулотлари билан таъминлаб келмоқда.

**Тожиддин ҚАМАРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

ЭЪЛОНЛАР

«KO‘CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ

хорижий ва маҳаллий сармоядорлар ҳамда мулкдор бўлиш истагидаги фуқароларни Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри миқёсида ташкил этилаётган оммавий савдоларга таклиф этади. Сиз савдолардаги мавжуд бўлган давлатга тегишли ҳамда юридик ва жисмоний шахсларнинг кўчмас мулк объектлари, уларга нисбатан ҳуқуқлар бўйича маълумотларни www.1kms.uz сайти орқали олишингиз мумкин.

Телефонлар: (0-371) 228-84-48, 200-10-01.
Факс: (0-371) 228-80-26.

Хизматлар лицензияланган.

«KO‘CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ
Самарқанд вилояти филиали

бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади.

Аукцион савдосига Самарқанд шаҳар СИБ томонидан ЖИБ Тошкент шаҳар Олмазор тумани судининг 2010 йил 2 апрелдаги 1-17/10-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Каттақўрғон шаҳри, Туркистон кўчаси, 41-«А» уйда жойлашган, «Каттақўрғон-ғишт Шоҳжаҳон» хусусий корхонасига тегишли, қурилиш ости майдони 18943,72 кв.м. бўлган ғишт заводи биноси такроран қўйилмоқда.

*Бошланғич баҳоси — 948 447 448 сўм.*

Аукцион савдоси 2015 йил 26 июнь куни соат 11.00 да «Ko‘chmas mulk savdo xizmati» МЧЖ Самарқанд вилояти филиалининг аукцион залида ўтказилади. Аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати — 2015 йил 24 июнь куни соат 18.00.

Кўчмас мулк билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, «Ko‘chmas mulk savdo xizmati» МЧЖ Самарқанд вилояти филиалининг АТИБ «Ипотека-банк» «Кўксарой» филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000604920609025, МФО: 00262, СТИР: 207122519.

Манзил: Самарқанд шаҳри, Маҳмуд Қошғарий кўчаси, 58-уй.
Телефон: (0-366) 233-80-56.
www.1kms.uz. rieltsavdo@inbox.uz

Хизматлар лицензияланган.

«KO‘CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ
Қашқадарё вилояти филиали

бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади.

Аукцион савдосига Китоб тумани СИБ томонидан ЖИБ Ғузор тумани судининг 2011 йил 18 ноябрдаги 1-243/2012-сонли ижро варақасига асосан хатланган, давлат фойдасига мусодара қилинган, Қашқадарё вилояти, Китоб туманида жойлашган, ер майдони 3227,0 кв.м., қурилиш майдони 764,81 кв.м. бўлган «Китоб» меҳмонхонаси такроран қўйилмоқда.

*Бошланғич баҳоси — 176 804 000 сўм.*

Аукцион савдоси 2015 йил 12 июнь куни соат 11.00 да бўлиб ўтади. Аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати — 2015 йил 10 июнь куни соат 18.00.

Кўчмас мулк билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, «Ko‘chmas mulk savdo xizmati» МЧЖ Қашқадарё вилояти филиалининг АТИБ «Ипотека-банк» Қашқадарё филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000004920609009, МФО: 00190, СТИР: 207122519.

Манзил: Қарши шаҳри, «Қарлиқхона» МФЙ, Тошсарой кўчаси, 20-уй.
Телефон: (0-375) 225-44-58.
www.1kms.uz

Хизматлар лицензияланган.

757А/02

XALQ BANKI

OMAD KULGANDA



Сизга омад кулиб боқишини хоҳлайсизми?!

Ўзбекистон Республикаси Давлат-тижорат Халқ банкининг «Омад кулганда» (2-чиқарилиши) тиражли, пул-буюм ютуқли лотереясини харид қилинг. Лотерея билетининг баҳоси — 2000 сўм. Лотереяда жами 471600 та пул-буюм, жумладан, «LACETTI-2», «NEXIA», «COBALT», «SPARK», «MATIZ», «DAMAS» русумли 24 та автомобиль ҳамда 15 000 000 сўмгача бўлган 471576 та пул ютуғи ўйналади. Лотерея билетлари Халқ банкининг барча филиали ва жамоатчи тарқатувчилар томонидан сотилмоқда.

Лотерея ўйинида иштирок этинг ва ютуқ соҳибига айланинг!

ЮТУҚЛАР ТИРАЖИ
2015 ЙИЛ 24-25 ОКТЯБРЬ КУНЛАРИ
САМАРҚАНД ШАҲРИДА ЎТКАЗИЛАДИ.

Мурожаат учун телефонлар: (0-371) 233-78-97, 120-17-24, 120-17-25.
Лотерея ўйинларида балоғатга етмаган шахсларнинг қатнашиши тақиқланади.

Хизматлар лицензияланган.

678R/120

ЖАҲОН 24 СОАТ ИЧИДА

*Заргарлик буюмлари, соатлар ҳамда либослар ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган “Richemont” холдинг компанияси (Швейцария)нинг март ойида якунланган навбатдаги молиявий йил бўйича иқтисодий кўрсаткичлари эълон қилинди.*

# Фойда ҳажми қисқарди



“Евроньюс” телеканали хабарига кўра, ушбу даврда унинг соф фойдаси ҳажми 36 фоиз тушиб кетган. Изоҳланишича, бундай салбий ҳолатнинг келиб чиқишига компания маҳсулотлари учун асосий бозор ҳисобланган Гонконг ва Макаода талабнинг камайиб кетгани ҳамда валюта курсларининг беқарорлиги сабаб бўлган.

Апрель ойида эса “Richemont” маҳсулотлари савдосида 9 фоизлик ўсиш қайд этилгани айтилмоқда.

# Аномал ҳарорат оқибати

*Ҳиндистоннинг Андхра-Прадеш ва Теланган штатларида сўнгги тўрт кун ичида ҳаво ҳароратининг кескин кўтарилиб кетгани мудҳиш оқибатларга сабаб бўлди.*



Манбага қараганда, ушбу ҳудудларда термометр кўрсаткичи +47 даражагача чиққан. Оқибатда 500 киши қурбон бўлди. Метеорологлар яқин кунларда аномал ҳарорат сақланиб туришини билдиришган. Шу боис шифокорлар маҳаллий аҳоли вакилларига кўпроқ суюқлик истеъмол қилиш, кўчага камроқ чиқишни маслаҳат беришмоқда. Хорижлик сайёҳларга эса режалаштирилган сафарни муайян муддатга кечиктириб туриш тавсия этилаяпти.

# Чорак асрдан буён кузатилмаганди

*АҚШнинг бир қатор штатларида тинимсиз ёмғир ёғиши натижасида сув тошқинлари юзага келди.*



Хусусан, ушбу табиат ҳодисаси туфайли Техас ва Оклахомада икки минг киши ўз уйини вақтинча ташлаб кетишга мажбур бўлди. Уч нафар одам ҳаётдан кўз юмди. Мамлакатнинг Ўрта Ғарб ҳудудидаги дарёлар ўзанидан тошиб чиқди, минглаб тураржойлар ҳамда автомобиль йўллари сув остида қолди. Айрим шаҳарларда сув сатҳи уйларнинг томигача кўтарилгани хабар қилинмоқда.

Мутахассислар мазкур штатларда бундай кучли тошқин чорак асрдан буён биринчи марта кузатилганини билдиришди.

# Олимлар тахмини

*Мамонтлар аввал тахмин қилинганидек, ҳавонинг кескин совиб кетишидан эмас, балки номаълум вирус туфайли қирилиб кетган.*



Бундай фикрни канадалик олимлар илгари суришмоқда. Улар мазкур турдаги жонивор қолдиқларини энг замонавий технологиялар ёрдамида ўрганиш жараёнида номаълум вирусни аниқлашган. Олимларнинг таъкидлашича, у мамонтларнинг асаб тизимига зарар етказган. Натижада жониворлар жунбуш ҳолатига тушиб, озиқланмай қўйган ва очликдан қирилиб кетган.

Табиийки, ушбу хулосага ҳамма олимлар ҳам қўшилаётгани йўқ. Шу боис тадқиқотчилар ишончли асосга эга бўлиш учун вирусни пухта ўрганиш борасида изланишларни давом эттиришаяпти.

*Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.*

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси Солиқ академияси жамоаси Бухгалтерия ҳисоби ва аудит кафедраси профессори Зиёд Қурбоновга падари бузруквори
**НИЁЗ отанинг**
вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги “Ўзархив” агентлиги жамоаси Жиззах вилояти Архив иши ҳудудий бошқармаси бошлиғи
**Алишер МАМАНОВ ва унинг фарзанди**
**Сирожиддин МАМАТОВнинг**
вафоти муносабати билан марҳумларнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

“Бизнес-Daily Медиа” нашриёт уйи жамоаси ижодий ходим Нодир Мирҳодиевга падари бузруквори, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган журналист
**Тоҳир МИРҲОДИЕВнинг**
вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

“Ипотека-банк” акциядорлик тижорат ипотека банки жамоаси банк аппарати бошлиғи ўринбосари Шоира Юлдашевага падари бузруквори
**СУҲРОБ отанинг**
вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

# Гўзал рақслар, нафис ҳаракатлар

*Пойтахтимизда бадиий гимнастика бўйича ташкил этилган Жаҳон кубоги босқичи ва "Happy Caravan" халқаро турнири якунланди.*

*Халқаро гимнастика федерацияси шафелигида Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Миллий Олимпия қўмитаси ҳамда Гимнастика федерацияси ҳамкорлигида ўтказилган мусобақаларда йигирмадан зиёд давлатдан юз нафарга яқин спортчи совринли ўринлар учун кураш олиб борди.*

**БАДИИЙ ГИМНАСТИКА**

Мамлакатимизда ҳар томонлама соғлом авлодни вояга етказишга давлат сиёсати даражасида эътибор қаратилмоқда. Буни шаҳару қишлоқларимизда амалга оширилаётган кенг кўламли бунёдкорлик ишлари, жумладан, эртамиз эгалари учун барпо этилаётган замонавий таълим муассасалари, спорт мажмуалари мисолида кўриб, гувоҳи бўлиш мумкин.

Мавжуд шарт-шароитлар туфайли республикамизда гимнастика жадаллик билан ривожланиб бораяпти. Айниқса, 2005 йилда Ўзбекистон гимнастика федерациясининг ташкил этилгани бу борадаги ишлар кўламини янада кенгайтирди. Федерация бадиий гимнастика, спорт гимнастикаси, гимнастрада, трамполин, акробатикани оммалаштиришга қаратилган тадбирларни амалга оширмоқда. Вилоятларда гимнастика бўйича ҳудудий федерациялар, гимнастика марказлари фаолият кўрсатаётир. Энг олис ҳудудлардаги кўркам спорт мажмуаларида ҳам гимнастика секциялари ишлаб турибди. Булар, ўз навбатида, иқтидорларни аниқлаш, халқаро турнирларда Ватанимиз шарафини муносиб ҳимоя қила оладиган спортчиларни тарбиялаш имконини бермоқда. Эришилаётган натижалар эса кўнгилга алоҳида фахр ва ифтихор ҳиссини бағишлайди.

Катта муваффақият билан ўтказилган бадиий гимнастика бўйича Жаҳон кубоги босқичи ҳамда "Happy Caravan" халқаро турнирида бу жиҳатлар яна бир карра ўз ифодасини топди.

Миллатлараро ҳамжиҳатлик, соғлом турмуш тарзию нафисликнинг ўзига хос тимсолига айланган мазкур мусобақаларда ҳар бир қатнашчи бор маҳоратини намойиш қилди.

— Ўзбекистон гўзал ва меҳмондўст мамлакат эканлиги ҳақида кўп эшитган эдим, — дейди Жанубий Корея терма жамоаси аъзоси Сон Юн Жи. — Бунга ушбу мусобақада иштирок этиб, тўла ишонч ҳосил қилдим. Юртингизда спорт, айниқса, бадиий гимнастика билан шуғулланиш учун барча қулайлик яратилган. Масалан, Бадиий гимнастика бўйича болалар-ўсмирлар ихтисослаштирилган республика олимпия захиралари спорт мактабидек замонавий таълим муассасасининг мавжудлиги давлатингизнинг ёшлар тарбиясига бўлган ғамхўрлиги нақадар юксаклигини англатади. Ўзбекистонлик спортчи қизларнинг қитъа ва жаҳон миқёсидаги нуфузли мусобақаларда қўлга киритаётган ютуқлари салмоғи тобора ортиб бораётгани ҳам ана шу омиллар билан боғлиқ, албатта.



Муҳаммад АМИН (ЎзА) олган сурат.

Нафис ҳаракатлар, гўзал рақсларга бой кечган беллашувлар якунида терма жамоамиз аъзолари ҳам совриндорлар сафидан жой олди. Хусусан, Жаҳон кубоги босқичида Анастасия Сердюкова булавада машқ бажаришда бронза медаль билан тақдирланди.

"Happy Caravan" халқаро турнирининг финал босқичида ҳам бадиий гимнастикачиларимиз муносиб қатнашди. Сабина Тошкенбоева кўпкураш ва алоҳида гимнастика предметлари — арғамчи, тўп ҳамда булава ёрдамида машқ бажариш бўйича жами тўртта бронза медални қўлга киритди. Шунингдек, ҳалқа ёрдамида машқ бажаришда Нуринисо Усмонова учинчи ўринни эгаллади.

Айтиш жоизки, ушбу мусобақалар Ўзбекистон нуфузини янада ошириш, қизлар ўртасида бадиий гимнастикани оммалаштиришда навбатдаги муҳим қадам бўлди.

— Ўзбекистон бадиий гимнастика бўйича бундай нуфузли мусобақаларга ҳар томонлама муносиб мезбон эканлигини яна бир бор намоён этди, — дейди Халқаро гимнастика федерацияси аъзоси, ҳакам Наталья Горбулина. — Моддий-техник базаси мустаҳкам, кўркам қиёфага эга спорт саройида гимнастикачи қизлар бор иқтидорларини кўрсатишди. Уларнинг чиқишлари ҳакамлар ҳайъати томонидан холис баҳолаб борилди. Ўзбекистон терма жамоаси аъзоларининг маҳорати йилдан-йилга ошиб бораётганини таъкидлаш лозим.

Фурсатдан фойдаланиб, ташкилотчиларга алоҳида миннатдорлик билдирамиз.

Мусобақанинг тантанали ёпилиш маросимида гимнастикачи қизлар иштирокида бадиий дастур намойиш қилинди.

**Фазлиддин АБИЛОВ.**

**Маданият хабарлари**



САНЪАТ

*Пойтахтимизда "Ўзбекнаво" эстрада бирлашмаси томонидан "Ёш авлоднинг маънавий олами ва уни юксалтиришда миллий эстрада санъатининг ўрни" мавзуида матбуот анжумани бўлиб ўтди. Унда шоирлар, санъатшунослар, бастакорлар, хонанда ва созандалар, оммавий ахборот воситалари ходимлари қатнашди.*

## Ёшлар маънавияти ва миллий эстрада

Мамлакатимизда миллий эстрада санъатини янада равнақ топтириш масаласига катта эътибор қаратилаяпти. Зотан, мусиқа кишиларнинг, айниқса, ёшларнинг дунёқараши ва тафаккурини юксалтирувчи муҳим тарбия воситаларидан бири ҳисобланади. Шу маънода, тадбирда миллий эстрада санъатининг бу борада тутган ўрни ва аҳамияти, унинг ривожланиш истиқболлари атрофлича муҳокама этилди.

Президентимизнинг 2008 йил 8 июлда қабул қилинган "Болалар мусиқа ва санъат мактабларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва уларнинг фаолиятини янада яхшилаш бўйича 2009 — 2014 йилларга мўлжалланган Давлат дастури тўғрисида"ги қарорида белгиланган устувор мақсадларнинг ҳаётга татбиқ этилиши миллий мусиқа санъатининг ривожида муҳим пойдевор бўлиб хизмат қилаётир.

Гап шундаки, мавжуд болалар мусиқа ва санъат мактабларида қатор йўналишлар билан бирга, миллий эстрада санъати ҳам чуқур ўргатилмоқда. Энг муҳими, навқирон авлод вакиллари ўртасида мунтазам равишда ташкил этилаётган турли кўрик-танловлар, санъат фестиваллари, концерт ҳамда ижодий беллашувлар уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, истеъдодини юзага чиқаришда алоҳида аҳамият касб этаяпти.

"Ўзбекнаво" эстрада бирлашмаси томонидан ёш ижрочиларнинг хулқ-атвори, саҳна маданияти, қўшиқнинг матни ҳамда мазмунини янада бойитишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шу мақсадда соҳа мутахассислари, санъаткорлар иштирокида маҳорат сабоқлари ўтказилаётир. Шоир, бастакор, хонанда ўртасидаги ижодий ҳамкорлик асосида бирлашмага қарашли студияда Ватан, истиқлол, тинчлик каби мавзуларда янгидан-янги қўшиқлар яратилаяпти.

Тадбирда миллий эстрада йўналишида енгил-елпи қўшиқлар яратилиб, омма эътиборига ҳавола қилинишига йўл қўйиб бўлмаслиги айтилди. Халқимизга хос миллий анъаналар руҳидаги санъат намуналари ёшларимизда инсонийлик, ватанпарварлик, она-юртга садоқат, вафо каби тушунчаларни шакллантириши таъкидланди. Зеро, ёшларнинг қалбини турли зарарли унсурлардан асраш, юксак маънавиятли, зукко этиб тарбиялаш ҳар биримизнинг муқаддас бурчимиздир.

**Дилмурод СОДИҚОВ.**

**ФЕСТИВАЛЬ**

*Халқимиз бой маънавий меросга эга. Уни кўз қорачиғидек асраб-авайлаш доимий эътиборда. Қадимий ёдгорликлар, халқ амалий санъати намуналари, миллий урф-одатлар, анъаналар дунё аҳлининг юртимизга бўлган қизиқишини оширмоқда. Бухорода вилоят ҳокимлиги ҳамда бир қатор манфаатдор ташкилотлар ташаббуси билан уюштирилаётган "Ипак ва зираворлар" фестивали ана шу боқий қадриятларнинг намойишига айланаяпти.*

## Бетакрор анъаналар намойиши

Ушбу тадбир илк бор 2001 йилда ўтказилган эди. Ўтган давр мобайнида унинг доираси кенгайди. Фестиваль қўшни давлатлар, шунингдек, хорижий сайёҳлик ташкилотлари туроператорлари, мамлакатимиздаги дипломатик корпус вакилларида ҳам алоҳида қизиқиш уйғотди.

— Бунинг ўзига хос сабаблари бор, албатта, — дея мулоҳаза юритади тадбир ташкилотчиларидан бири, вилоят "Ҳунарманд" уюшмаси раҳбари Акбар Муҳаммедов. — Биласиз, юртимизда миллий ҳунармандчиликнинг илдизи бир неча минг йилларга бориб тақалади. Улар халқимиз ақл-заковати маҳсулидир. Мустақиллик йилларида ҳунармандчиликнинг кўплаб турлари қайта тикланди. Хусусан, ипакдан тайёрланаётган буюмларга қизиқиш бениҳоя ошди. Фестиваль меҳмонларида шу бетакрор халқ амалий санъати билан яқиндан танишиш имконияти яратилади. Айни дамда каштачилар, гиламдўзлар, зардўзлар, зираворпазлар мазкур тадбирга пухта ҳозирлик кўришаяпти.

"Ипак ва зираворлар" фестивали сайёҳларда унутилмас таассурот қолдириши, шубҳасиз.

— Шулардан келиб чиқиб, Бухорода ободонлаштириш ишлари жадал олиб борилмоқда, — дейди "Ўзбектуризм" Миллий компанияси минтақавий бўлими раҳбари Шерзод Маҳмудов. — Ушбу фестиваль мамлакатимизда сайёҳликни ривожлантиришда ҳам муҳим аҳамият касб этаётир. Меҳмонхоналар сони кўпаймоқда, сервис хизмати даражаси янада яхшиланаяпти. Бир мисол: кейинги пайтда хорижий сайёҳларга миллий анъаналаримиз, урф-одатларимизни махсус концерт дастурлари асосида намойиш этувчи "Адрас", "Кўкалдош", "Караван" ресторанлари ўз фаолиятини бошлади. Мавжуд меҳмонхоналаримиз бир кунда 3500 нафардан зиёд меҳмонларга халқаро андозалар даражасида хизмат кўрсатиш имконига эга.

"Ипак ва зираворлар" фестивали, анъанага кўра, Минораи Калон олдидан то Лаби Ҳовуз мажмуигача бўлган йўналиш бўйлаб ташкил этилади. Карнай-сурнай садолари остидаги байрам томошалари, фольклор-этнографик дасталарнинг чиқишлари, ҳунармандларнинг кўргазмалари, ярмаркалар, миллий спорт ўйинлари — буларнинг барчаси тадбир қатнашчиларига унутилмас завқу шавқ бағишлайди.

Фестиваль доирасида, шунингдек, мамлакатимизнинг нуфузли илмий муассасалари олимлари, чет эл ҳамда маҳаллий сайёҳлик ташкилотлари мутахассислари иштирокида "Буюк Ипак йўлининг муҳим бўғини ҳисобланган Бухорони халқаро туризм марказларидан бирига айлантиришнинг истиқболлари" мавзуида илмий-амалий конференция ҳам ўтказилади.

**Истам ИБРОҲИМОВ, «Халқ сўзи» мухбири.**

**Хабар**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ ВАЗИРЛИКЛАР, ДАВЛАТ ҚЎМИТАЛАРИ ВА ИДОРАЛАР ТОМОНИДАН ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН НОРМАТИВ-ҲУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТЛАРНИ ДАВЛАТ РЎЙХАТИДАН ЎТКАЗИШ ҲОЛАТИ ТЎҒРИСИДА 2015 ЙИЛ 16 МАЙДАН 22 МАЙГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТНИ МАЪЛУМ ҚИЛАДИ.**

**I. Рўйхатдан ўтказилди:**

1. Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг 2015 йил 12 майдаги 01/09-26/10-сонли «Қўшимча инвестициялар, шу жумладан хорижий инвестицияларни жалб қилиш ҳисобига акциядорлик жамиятларининг устав фондларини ошириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарор, шунингдек унга ўзгартиришлар ва қўшимчани ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги қарори.

**2015 йил 21 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1061-3 (2015 йил 25 майдан кучга кирди).**

2. Ўзбекистон Республикаси ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирининг 2015 йил 13 майдаги 118-мҳ-сонли «Ўзбекистон Республикаси норезидентлари томонидан радиоалоқани ташкил этиш учун рухсат этувчи ҳужжатларни расмийлаштириш тартиби тўғрисидаги йўриқномага ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги буйруғи.

**2015 йил 21 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1388-3 (2015 йил 25 майдан кучга кирди).**

3. Ўзбекистон Республикаси ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирининг 2015 йил 15 майдаги 119-мҳ-сонли «Маълумотларни узатиш тармоқларида Интернет-провайдерларнинг тармоқлараро ўзаро ҳамкорлигини тартибга солиш тартиби тўғрисидаги низомнинг 3-бандига ўзгартириш киритиш ҳақида»ги буйруғи.

**2015 йил 21 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1423-3 (2015 йил 25 майдан кучга кирди).**

4. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Мудофаа вазирлиги, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, Миллий хавфсизлик хизмати, Давлат божхона қўмитасининг 2015 йил 15 майдаги 43, 12, 6, 4, 54, 01-02/5-20-сонли «Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси маблағлари ҳисобидан 100 ёшга тўлган ва ундан ошган фуқаролар пенсиясига қўшимча тўловни белгилаш, тўлаш ва молиялаштириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори.

**2015 йил 21 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2675 (2015 йил 25 майдан кучга кирди).**

5. Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2015 йил 18 майдаги 44-сонли «2-сонли шакл «Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот»га ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги буйруғи.

**2015 йил 21 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1209-6 (2015 йил 25 майдан кучга кирди).**

6. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг 2015 йил 28 апрелдаги 01-02/12-18-сонли «Божхона омбори» божхона режими тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қарори.

**2015 йил 21 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1318-4 (2015 йил 25 майдан кучга кирди).**

7. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2015 йил 21 майдаги 158-мҳ-сонли «Нотариус лавозимига тайинлаш бўйича танлов ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги буйруғи.

**2015 йил 21 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2165-5 (2015 йил 25 майдан кучга кирди).**

**II. Давлат реестридан чиқарилди:**

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкини бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитасининг «Қўшимча инвестициялар, шу жумладан хорижий инвестицияларни жалб қилиш ҳисобига акциядорлик жамиятларининг устав фондларини ошириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 1061, 2001 йил 10 август), Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкини бошқариш давлат қўмитасининг «Қўшимча инвестициялар, шу жумладан хорижий инвестицияларни жалб қилиш ҳисобига акциядорлик жамиятларининг устав фондларини ошириш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар ва қўшимча киритиш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 1061-1, 2009 йил 10 апрель), Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг «Қўшимча инвестициялар, шу жумладан хорижий инвестицияларни жалб қилиш ҳисобига акциядорлик жамиятларининг устав фондларини ошириш тартиби тўғрисида»ги қарорга ўзгартиришлар киритиш тўғрисида»ги қарори (рўйхат рақами 1061-2, 2013 йил 13 ноябрь).

**Адлия вазирининг 2015 йил 21 майдаги 152-мҳ-сонли буйруғи билан давлат реестридан чиқарилди.**

**Мазкур ҳужжатлар қонунчиликка ўзгартириш киритилиши ва/ёки янги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиниши муносабати билан давлат реестридан чиқарилди.**

## «Камолот» уйи фойдаланишга топширилди

*Мамлакатимизда жамиятимизнинг муҳим бўғини — ёш оилаларни моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилаётир.*

**ҚУВОНЧ**

Жумладан, юртимизда фан, санъат, адабиёт, спорт ва бошқа соҳаларда юксак муваффақиятларга эришаётган ёш оилаларга имтиёзли ипотека кредитлари ҳисобидан "Камолот" уйлари топширилмоқда.

Муборак туманида ҳам 48 хонадондан иборат "Камолот" уйи қуриб битказилди. Шу муносабат билан ташкил этилган маросим ёш оилалар учун ҳақиқий шодиёнага айланди. Айтиш лозимки, ҳар жиҳатдан қулай, шинам, кенг ва ёруғ хонадонларга кўчиб кирганларнинг қай бири билан суҳбатлашманг, уларнинг қувончига гувоҳ бўласиз.

— Бундай эътибор ва ғамхўрлик биз, ёшларни юрт равнақи йўлида янада фидойилик билан меҳнат қилишга ундайди, — дейди янги уй соҳиби, "Муборакнефтгаз" унитар шуъба корхонаси ходими Ситора Ҳамраева. — Хонадонимиздаги шарт-шароитлар менга жуда маъқул бўлди. Фарзандларим ҳам хурсанд.

**Аҳад МУҲАММАДИЕВ, «Халқ сўзи» мухбири.**

Реклама




БУНЁДКОРЛИК

*Қораўзак туманидаги "Маданият" овул фуқаролар йиғини ҳудудида замонавий маданият ва аҳоли дам олиш маркази биноси фойдаланишга топширилди. Бу олти минг нафарга яқин аҳоли истиқомат қилаётган овул ёшлари учун катта қулайлик бўлди.*

## Овул аҳолисига туҳфа

— Мазкур иншоотни капитал таъмирлаш ишларига 386 миллион сўм йўналтирилди, — дейди муассаса директори Гулимхон Жуманазарова. — Пировардида ёшларнинг турли касб ва спорт сирларини мукаммал ўзлаштиришлари учун барча шарт-шароит муҳайё қилинди. Айни пайтда марказимизда ташкил этилган тўгаракларга 100 нафарга яқин ўғил-қизлар мунтазам қатнашмоқда.

Шу билан бирга, бу ерда аҳолининг мазмунли дам олиши ҳамда турли маданий-маърифий тадбирларни ўтказишга мўлжалланган маросимлар зали ҳам ишга туширилди.

**Ҳидоят АҲМЕДОВ, «Халқ сўзи» мухбири.**

МЕРОС

*Хатирчи туманида ўзбек достончилик мактабининг асосчиларидан бири Пўлкан шоир хотирасига бағишлаб "Бахшилар юртни куйлайди" деб номланган фестиваль бўлиб ўтди.*

## «Бахшилар юртни куйлайди»

Халқ сайли тарзида ўтказилган ушбу тадбирда Қашқадарё ва Сурхондарё бахшичилик мактабининг машҳур вакиллари ўз маҳоратларини намойиш қилдилар. Кураш мусобақалари, қўчқор ва хўроз уриштириш ўйинлари бу ерга ташриф буюрганларда алоҳида таассурот қолдирди.

Фестиваль якунида "Энг яхши достон ижрочиси", "Энг яхши ўлан-лапар ижрочиси", "Энг яхши ҳажвий шеър", "Энг гўзал сурат", "Халқ ўйинларини тиклашдаги хизматлари учун" каби номинациялар бўйича ғолиблар аниқланиб, тақдирланди.

**Азамат ЗАРИПОВ, «Халқ сўзи» мухбири.**

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 567. 119 619 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юклаб олиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 233-52-55;
Котибият 233-10-28; Эълонлар 232-11-15.

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор Ж. Тоғаев томонидан саҳифаланди.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи муҳаррир — С. Раҳмонов.
Навбатчи — З. Худойшукуров.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машрабоев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 22.20 Топширилди — 22.30 1 2 3 4 5